



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 3 декабрь • сешанба № 46 (886)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Обуна бўлинг!

“Инсон ва қонун”



Сиз билан,
Сизнинг
ҳимоячингиз,
Сизнинг
маслақдошингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

Пойдеворнинг мустаҳкамлиги

демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик
жамияти ривожини белгилайди

ЭРКИНЛИК, тенглик, адолат, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, ҳокимиятнинг сайлов асосида вужудга келиши, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан суд қорорисиз маҳрум этиб бўлмаслиги, айбисизлик презумпцияси буларнинг барча-барчаси демократиянинг энг муҳим белгилари бўлиб, демократик давлатлар конституцияларининг муҳим принципларини ташкил этади.

ШУ МАЪНОДА айтиш жоизки, юқорида келтириб ўтилган демократик принципларни ўзида мукоссам этган мўтабар Комус — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — мустақил Ўзбекистон тараққийотида бекиёс сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик тарихий кун бўлиб қолди. Бу яна шу билан изоҳланадиги, ҳар бир мамлакатда у ёки бу жорий қонунлар бўлиши ва у муайян вақтдан сўнг номи ўзгариши ёқуд бекор бўлиши мумкин. Бироқ Конституция инсон, жамият, давлат манфаатларини ва иродасини ўзида ифодаловчи, давлат тўзилиши ва бошқаруви шакли асосларини белгилловчи, ҳокимият идоралари фаолиятининг ташкил этилиши тартиби ва принципларини мустаҳкамловчи олий қоридик қўғға эга бўлган ҳужжат бўлиб, у ўзининг ягоналиги ва барқарорлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни иқро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми Конституцияга хилоф, деб топиладиган мазкур ҳужжатнинг амал қилиши тўғрисида.

Конституция давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар белгилаб олинган ўзига хос аҳднома, десак ҳам муболага бўлмайди. Зеро, Асосий қонунимизда давлат ўзига бир қатор ўта муҳим мажбуриятларни олгани, унга қўра, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини қўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади, давлат маданият ёдгорликларини, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳираларни, хусусий мулкни, оилани, оналик ва болаликни ўз муҳофазасига олади, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи бўлиб, давлат ҳокимияти халқ манфаатларини қўзлаб амалга ошириши қайд этилган.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлиши ҳокимиятлар бўлиниши принципи Асосий Қонунимизнинг 11-моддасида ўз ифодасини топган, яъни Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, иқро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари асосланади.



Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 15-модда

Дилмурод РУСТАМОВ олган сурат

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида



27 ноябрь

Аграр соҳада биологик хилма-хиллигини асраш, инновацияларни ривожлантириш ва бу борадаги экологик лойиҳалардан аҳолининг хабардорлигини ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани уюштирилди. Тадбир Ўзбекистон Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг “Чинор” экологик нашриёт компанияси томонидан БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳамкорлигида ҳаётият татбиқ этилаётган Ўзбекистонда ўрмончиликни ривожлантириш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид лойиҳа доирасида ташкил этилиб, бу борадаги ишлар ҳақида ахборот берилди.

27 ноябрь

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси — ЮНФПА томонидан жаҳон мамлакатларида аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш, вояга етмаганларга никоҳ ўқитиш ҳолатларига барҳам бериш борасида олиб борилаётган ишларнинг йиллик ҳисобот-тақдироти бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда оилаларни, аynиқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, оилаларда табиий маданиятни ошириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, эрта турмушга чиқиш ҳолатларига барҳам бериш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олишда замонавий тиббиёт йутқуқларидан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан журналистларга батафсил маълумот берилди.

28 ноябрь

Ҳар йили куз-қиш ойларида совуқ тушиши ва иситиш мавсуми бошланиши билан заҳарли ёки майиш газдан заҳарланиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар сони кўпаяди. Бунда, иситиш мосламаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик фожиянинг асосий сабаби бўлимоқда.

Бундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга бағишланган матбуот анжуманида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раиси Ш.Абдуллаев бу борада олиб борилаётган аниқ мақсадли ишлар тўғрисида маълумот берди.

Шунингдек, тадбир давомида аҳолининг сифатсиз консерва маҳсулотларидан заҳарланишининг олдини олиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Хабарларни Алимбек ТОШБЕК саралади.

Ўқув-машғулот

Миллатлараро тотувлик

энг катта бойлигимиз

МАЪЛУМКИ, халқимиз бағрикенглик ва меҳмондўстлик бобида донг таратган. Ўзқ тарихига эга бу аъёналар бугун ҳам ўз маъносини ўзгартиргани йўқ, аксинча тақомиллашиб бормоқда.

БУГУНГИ кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оиладек аҳил-инок истикомат қилмоқда. Тинчлик, хотиржамлик ҳўмрон бўлган юрда фаровонлик, барак ва ривожланиш бўлади. Президентимизнинг “Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда

ҳўкм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликдир”, деган сўзларининг моҳиятида ҳам ана шу миллат ва элатларимиз ўртасидаги осуда қўнар шўхуқини англашимиз мумкин. Ҳозирга келиб, мамлакатимизда 140 дан ортиқ миллий маданият марказлари фаолият юритмоқда. Республика байналмилал маданият маркази диёримизда яшаётган турли миллат вакиллари маънавий-маърифий мулоқот масканига, ўзига хос дўстлик уйига айланган.

Адлия вазирлигида доимий ўтказиб келинаётган ўқув-машғулотнинг навбатдаги

си “Жаҳон маданияти билан танишув” мавзусида бўлиб, тадбирда Республика байналмилал маданият маркази директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Насриддин Мухаммадиев иштирок этди.

Машғулот давомида бугунги кунда республикаимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари ва Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги миллий маданият марказлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, машғулот меҳмони яқинда Туркманистон Президентининг мамлакатимизга қилган расмий ташрифи ва унда қўрилган масалалар, Ўзбекистон — Туркманистон ўртасидаги маданий алоқалар ҳусусида ҳам сўз юритди.

Фикр-мулоҳазаларга бой бўлган мазкур учрашув қизғин баҳс-мунозараларга уланиб кетди.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Рағбат

Имтиёзлар

соҳа ривожига хизмат қилмоқда

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида “Конституция — миллий тараққийотиш пойдевори” мавзусида анжуман ташкил этилди.

АНЖУМАНДА мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида, қишлоқда деҳқоннинг ерга ва ўзи яратган маҳсулотга эгалик ҳиссини оширишга қаратилган мулккий муносабатлар ҳамда унинг мукаммал ҳуқуқий асослари шакллантирилганлиги қайд этилди.

Фермерлик ҳаракати янгича рағбат бериш мақсадида, “Пахта хомаш-

ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари ҳисобланиб, уларга бир қатор имтиёзлар берилиши назарда тутилган. Мазкур Низомда белгиланган имтиёзларнинг тақдим этилиши ва ижроси аҳоли адлия органлари томонидан мунтазам равишда ўрганиб борилиши белгиланган.

Тадбирда вилоят адлия бошқармаси томонидан Низом талабларига қўра рағбатлантириш учун тақдим этилган фермер хўжаликларининг ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда уларга хулоса бериш бўйича туман (шаҳар)ларда ташкил этиладиган доимий комиссиялар, шунингдек, Низомда белгиланган имтиёзларнинг тақдим этилишига масъул қорхона ва ташкилотларнинг вазифалари тўғрисида тушунтирилган берилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Эришайтган бўлсак, булар пойдеворида Конституциямиз — буюк Ҳаёт қомусимиз турибди.



ЮРТИМИЗДА ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари асосланган иқтисодий шакллантириш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий Қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб, олтин пойдевор вазифасини ўтамоқда. Бу улғу манба тенглик, эркинлик, биродарлик, миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг буюк умуминсоний қадриятларни ўз ичига олган, умумбашарий эзгу тамойилларни қамраганлиги билан ҳам қадриллидир.

Президентимиз таъкидлаганидек: **“Конституциямизнинг ўз миллий анъаналаримизга, миллий табиатиимизга ва бугунги жаҳон эришган ютуқларга, андازаларга муносиблиги билан ҳар қанча фахрланасак арзийди”**.

Бош Қомусимизнинг асосини давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг машҳур беш тамойилини ўз ичига олган “ўзбек модели” ташкил этади. Бу тамойиллар — иқтисодийнинг сиёсатдан устуниги, давлатнинг бош иқлолоти ҳисобидан “ўз” зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, қўли ижтимоий сиёсат олиб бориш ва ислохотларни босқичма-босқич, тадрижий амалга оширишдан иборат. Бир сўз билан айтганда, Конституция — барча иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ислохотларнинг тамал тоши, жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигининг асосидир.

Халқимиз қадимдан маънавият ва мафкура, таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратиб келган. Ёш авлодни

Маънавият ва мафкура Қомуси

ҳамиша ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, қамтарлик каби умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим масала саналган.

Дарҳақиқат, маънавият — аждодларимизни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи муқаддас кўприк вазифасини бажаради. У ота-боболаримиз тўплаган яхши қадриятлар ва ҳислатлар, қадриятлар, анъаналарнинг маъмуни ўзида мустаҳкам элади.

Тарихимизнинг бойлиги ва буюклиги, аввало, халқимизнинг юксак маънавияти, мафкураси билан қамбарчас боғлиқдир. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фароний, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, ҳусусан, илм-фан, маънавият ва мафкуранинг юксалишига, азиз юртимизни жаҳоннинг маънавият бешигига айлантиришга улкан ҳисса қўшганлар.

Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларида маънавий-маърифий тарбияга миллат ўзлигининг негизи, мезони, деб қаралди. Маънавий юксалиш сари юз бориш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Конституциянинг 12-моддасида: **“Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг**

хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”, деб белгилаб қўйилганини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Бугун барчамизга аён, мақсадимиз оддий ва ҳаётий — одамларимиз қалби ва онгида юқорида зикр этилган инсоний туйғулар янада қарор топиши, жамиятимизда олижаноб қадриятлар устувор бўлишига эришиш.

Асосий Қонунимизнинг 4-моддасида ҳам: **“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудда истиқомат қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланади, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилади”**, деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистонда кўп сонли миллат ва эллат вакилларининг биргаликда, ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб ўмир кечириши натижасида, уларнинг турмуш тарзи янада юксалмоқда. Бошқача айтганда, миллатлараро тотувлик ҳолати жамиятимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва эллатларга мансуб қилишлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатликнинг маънавий асосига айланмоқда.

Айтиш жоизки, Истиқлол ва Конституция шарофати билан жамиятимиздаги маданий-мафкуравий иқлим тубдан ўзгарди. Миллатимиз,

халқимиз ўзлигини англамоқда. Фуқароларимизда миллий гуруҳ, орият, шаън, қадр-қиммат, номус туйғулари кучаймоқда, ҳаётга янги-ча муносабат тобора мустаҳкам қарор топтомоқда. Ватанга меҳр, мулкка эгалик ҳисси шаклланмоқда.

Конституция ва ҳуқуқий маданият, маънавият ва миллий қадриятлар ҳақида гап борганда, қўнча заминимиз одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, йиғмон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, танитилик каби улғу ҳислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Зотан, Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданияти, истак-хоҳиши, интилишини ўзида яққол акс эттиради.

Президентимиз томонидан айтилган **“Шу азиз Ватан — барчамизники”**, **“Ўзбекистон — ягона уйимиз”**, деган ҳикмати давлатимизнинг маъно-моҳияти бугун халқимизнинг, миллатимизнинг қатъий назар, шу юрда ашайтган ҳар бир инсоннинг, барча ўзбекистонликларнинг ҳаётини мустаҳкам ўрин эгаллаш, том маънода қалб амрига айланиди.

Ўз навбатида, Конституция — биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гуруҳий-фитҳор манбаидир. Қерак бўлса, шу заманда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсон учун мустаҳкам жамият вазифини ҳам ўтайди.

Конституциямизнинг 42-моддасида: **“Ҳар қимга ил-**

мий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ҳам-ҳуқуқ қилади”, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимиз олий ўқув юртида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви жараёни изчил ривожланаётгани мисолида ҳам ана шу конституциявий қонданнинг ҳаётимизга нечоғлиқ чўқур таътиб этилаётганини кўриш, қузатиш кишига мароқ бағишлайди.

Маърифат — маънавиятга олиб келадиган йўл. Барча ёруғ йўллар маърифат нуқтасида туташади.

Тўғри, иқтисодий ислохотлар жамият ривожини ҳам масала саналади. Халқ фаровонлиги йўлида қайғуриш борасида ҳам шундай дейиш мумкин. Аммо маънавий ислохотлар, тобелик, ҳикматийлик, исқанжасидан озод бўлиш, қадри банд тутиш, ота-боболаримизнинг удуларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш, ҳар томонлама қомил инсонни ташаббус — бу дунёда бундан ортқорик, шарофтироқ вазифа йўқ, албатта.

Шунинг учун ҳам Президентимиз ана шу омилларнинг барчасини назарда тутиб, Ўзбекистонда таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш борасида янги ташаббус ва ғояларни мунтазам равишда илгари сўриб келмоқда. Бу ташаббуслар амалда ўз тасдиқини топиб,

юртимиз раънақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлаётгани баробарида, жаҳон ҳамжамияти эътирофига ҳам сазовор бўлаётди. Дунё сиёсати соҳасида мустаҳкам маке ва ўз ўринимизга эга бўлиб бормоқдамиз.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоизга етган. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири эканини изохлаб ўтиришнинг ҳолати бўлмас керак, деб ўйлаймиз.

Президентимиз таъкидлаганидек: **“Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингиртиш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз қўзланган мақсадга эришолмаймиз, яъни инсон қалбига йўл тополмаймиз”**.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин, фаровон ҳаёт барпо этиш экан, бу ғоя халқимизнинг азаллий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-маъмунини белгилайди, ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак қадриятларни ўзида мустаҳкам элади. Конституциямиз эса бу борада ҳаётий дастуриламал, йўлимини ва қалбимизни ёритган маънавият ҳамда мафкура Қомуси бўлиб хизмат қилмоқда.

Алижон ОЧИЛОВ,
Адлия вазирлиги
Ҳуқуқий тарғибот ва
ҳуқуқий таълим
бошқармаси бошлиғи

Республика Бош прокуратурасида

Маънавиятимизга ёт иллат

Ўзимизнинг, яқинларимизнинг

тақдиридан огохликка ўндайди

РЕСПУБЛИКА Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг “Одам савдосига қарши курашиш соҳасида Халқаро шартномалар ва миллий дастурларни амалга оширишда ННТ ва ОАВ вакилларининг иштироки” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ТАДБИРДА таъкидланганидек, бугунги кунда айрим транснационал жиноятлар сирасидаги ушбу муҳим жиноят дунё ҳамжамиятини жиддий таъшишга солмоқда. Бу жиканч жиноий фаолият ортда мажбурий меҳнат ва донорлик, замонавий қуллик, фоҳишабозлик, турли бузғунчилик ҳаракатлари, нарқобизнес каби қилмишлар мужассам топан.

Йиғилишда сўзга чиққан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш турли халқаро, минтақавий ва миллий даражада жиноий-ҳуқуқий кураш чораларини қучайтириш ва ўзаро ҳаракатларни мувофиқлаштиришни тақозо этаётганлигини айтиб, бу борада давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида маълумот берди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси томонидан одам савдосига қарши курашиш бўйича бешта халқаро ҳужжат ратификация қилиниб, юртимизда бу каби жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди.

Мамлакатимизда одам савдоси жиноятларидан жабрланган шахсларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш каби ижтимоий муҳофаза чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида ташкил қилинган Марказ малакали мутахассислар билан таъминланиб, одам савдосидан жабрланганларнинг яшаши ҳамда тиббий, юридик ва бошқа турдаги ёрдам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, ҳуқуқсўноқ олим қайд этганидек, юртимизда одам савдоси жиноятларининг олдини олиш, унга қарши курашиш, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган самарали ишлар бу соҳадаги халқаро ташкилотлар вакиллари ва халқаро экспертларнинг юқори эътирофига сазовор бўлмоқда.

Лекин ҳануз айрим юрдошларимизнинг турли авлодларга ўчиб, одам савдоси жиноятининг қурбонига айланаётганлиги ачинарли ҳол. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан олиб бориладган сўровлар натижасига кўра, бу жиноят ўз домига аксарият ҳолларда солда ишонувчан кишиларни тортади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Агар оғосен, шоҳсен”, деган ўғитлари бугунги даврга мос, янада бой маъмурий моҳият касб этади. Зеро ўзининг, яқин инсонларининг тақдиридан огохлик давр талабидир.

Тадбир якунида намойиш этилган “Сароб” ҳужжатли фильми буюк аллома бобомизнинг сўзлари нечоғлиқ ҳақиқат эканлигини яна бир бор ёдга солди.

Демократия тимсоли

давлат ва жамият тараққиётига

хизмат қилмоқда

КОНСТИТУЦИЯМИЗДА фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга оид асосий принциплар мустаҳкамланиб, уларнинг ривожланишини таъминлаш, жамият ва давлат қурилишда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган меъёрлар белгиланган ва шу асосда мукаммал қонунчилик тизими яратилган.

ШУ САБАБЛИ бугунги кунда, фуқаролик жамияти институтларининг муҳим бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаб, демократик қадриятлар, давлат дастурларини амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланимоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Яқинда пойтахтимизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ташаббуси билан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Адлия вазирлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирокида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг республика босқичидаги Миллий форуми бўлиб ўтди.

“Мамлакат тараққиётига дахлдорлик ва масъулият ҳисси билан” шiori остида ўтказилган Форумда “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгиланган вазифаларни ҳаётга таътиб этишда ННТларнинг роли ва ҳиссаси ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 23 июндаги “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўллаш бораидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижтимоий ва гуманитар масалаларни ҳал этишда ННТлар ролини қучайтириш омил бўлмоқда. Мазкур ҳужжатда вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари зиммасига фуқаролик жамияти институтларининг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаровонлигини юксалтириш, мамлакатимизни янада социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси ақдолланган.

Шу нуқта назардан, мазкур анжуман доирасида нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ривожланишига ҳисса қўшаётган давлат бошқаруви органларини аниқлаш мақсадида интернет орқали он лайн сўрови ўтказилди. Сўров иштирокчилари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини энг кўп қўллаб-қувватлаётган давлат органи сифатида Адлия вазирлиги эътироф этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тақомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, биринчи 2012 йил давлатида 500 дан ортқ ННТ вакиллари қабул қилиниб, уларга тегишлича амалий ёрдам кўрсатилди.

ЎЗННТМА раиси эътироф этганидек, нодавлат нотижорат ташкилотлари Адлия вазирлиги учун фақат назорат объекти эмас, балки уларнинг энг фаол ҳамкоридир.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий форумининг ўтказилиши мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида жамоат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий шериклик ва жамоат назорати бўйича тажрибаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш, улар фаолиятининг очқиллиги ва ошқоралигини таъминлаш, келгусида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Инсон — жамият сарвари

У озод, эркин ва бахтли яшашга ҳақли

МАМЛАКАТИМИЗДА мустақилликка эришгандан кейин биринчи қўшилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди.

Инсон ҳуқуқлари масаласи бугунги кунда дунё ҳамжамияти олдига турган долзарб масалалардан биридир. Демократик қадриятлар устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қай даражада ҳимоя қилингани, уни амалга оширишга замин яратувчи шарт-шароитлар тилга олинди. Зеро, демократик ва ҳуқуқий давлат қурилиши асосий мақсади ҳам мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолатларни таъминлашдир.

Юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳимоялаш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда.

Конституциямизнинг 18-моддасида мамлакатнинг ҳар бир фуқароси бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқидан қатъи назар, қонун олдида тенглик кафолатланган.

Мамлакатимизда ислохотларнинг дастлабки босқичидаёқ “ислохот — ислохот учун эмас, ислохот — инсон учун”, деган ғоя мазкур жараёнинг асосига қўйилди. Инсон ҳуқуқлари устуворлиги принциплари таъмин, миллий ҳуқуқий тизим барпо этилди ва инсон манфаатлари ислохотлар стратегиясининг асоси сифатида белгиланди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорлиқни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида Президентимизнинг 1996 йил 31 октябрдаги **“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида”**ги Фармонида қўра **“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази”** тўзилиди.

Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши таъминлаш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш**

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, Адлия вазирлиги тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса бўлимлар ташкил этилди.

Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**, деб номланган маърузасида **“Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокчининг асосий шакли бўлиб, улар муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир”**, деб таъкидлаб сайлов жараёнларини янада демократлаштиришга йўналтирилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш тақлиф этилди ва бу асосда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрдаги **“Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”**ги ҳамда **“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни қабул қилиниши фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш эркинлиги ва ҳуқуқининг таъминланишига кенг имконият яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий тамойили ҳисобланади. Истиқлол йилларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ислохотлар мамлакатимизнинг қисқа фурсатда умумэътироф этилган нормаларга содиқлиги билан бирга инсон ҳуқуқлари соҳасида салмоқли ютуқларни қўлга киритганидан далолат беради.

Аширқул ЁШЕБЕКОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Фуқароларнинг муурожаатлари

беъэтибор қолдирилмайди

МАМЛАКАТИМИЗДА демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш фуқароларнинг муурожаатларига доир қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш, уни тақомиллаштиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Конституциямизда фуқароларнинг мазкур ҳуқуқий сиёсий ҳуқуқлар қаторига киритилган бўлса-да, ўз маъмурий-моҳиятига кўра, у шахсий, иқтисодий ва ижтимоий хусусият ҳам касб этади. Фуқаро давлат органига ариза билан муурожаат этганида ўз хоҳиш-истаги, эркин-иродасини ифода этиш, тақлиф билан муурожаат этганида давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш, шикоят билан муурожаат этганида эса бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш имкониятларини вуҳудга келтиради.

“Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонун фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига ариза, тақлиф ва шикоят билан муурожаат этишга оид конституциявий қонданга амалга оширишни таъминловчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, давлат органларининг фуқаролар муурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Мазкур Қонунда фуқаролар муурожаат этиш ҳуқуқининг кафолатлари, ҳусусан, фуқароларнинг муурожаат этиш ҳуқуқини иктиёрийлик асосида амалга оширилиши, фуқаролар муурожаат этиш ҳуқуқини фойдаланаётганда қамситишга йўл қўйилмаслиги, фуқароларнинг муурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги, фуқароларнинг муурожаатлари муносабати билан аён бўлиб

қолган маълумотларнинг ошқор этилишига йўл қўйилмаслиги, фуқароларнинг муурожаат этиши муносабати билан уларнинг ҳавфсизлиги кафолатлари, шунингдек, фуқароларнинг аризалар, тақлифлар ва шикоятлар бериш ҳамда уларни кўриб чиқиш тартиби, муурожаатларни кўриб чиқишда давлат органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жаобгарлик масаласи қайд этилган.

Кези келганда таъкидлаш зарур, муурожаат этиш ҳуқуқини Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча фуқаролар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида барча фуқ

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни нишонланди

— Нурмат Сатиниязович, ўзингизга маълумки, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури қабул қилинди. Бунда, айниқса, юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш, одамда иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган, ОИВ инфекциясидан ишончли ҳимоя қилиш бўйича тизимни тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Дастур ижроси борада қандай ишлар қилинмоқда?

— Республикада мазкур касалликнинг олдини олиш борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. 1999 йил 19 августда “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини касаллигининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун ўтган ўн тўрт йил давомида

диққатга сазовордир. Шунингдек, Қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси ва унинг давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ўтказилган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштиришга оид ваколатлари, Республика ва жойларда ОИТСга қарши курашиш марказлари фаолиятининг қонуний асослари ўз аксини топди. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш мажбурияти қайд этилди.

ОИВ касаллигига чалинганларнинг камситилишига олиб келиши мумкин бўлган аввалги қонуннинг 6-моддасида “Ўзбекистон Респуб-

ликане ҳолатларнинг олдини олиш давлат томонидан тартибга солинади. Шу билан бирга ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирлари ва ОИВ инфекциясини юктириб олган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, инфекция юктириб олганларнинг ҳуқуқлари ҳам қонуний ҳимояланади.

— Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан қилинаётган ишлар борада ҳам тўғрисида ўтсангиз.

— Юқорида таъкидлаганимиздек, республикада ОИТСга қарши курашиш тизими 1987 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Республика ОИТСга қарши курашиш марказининг фаолияти бир қатор йўналишларни

ликка чалинганликларини ўзлари сезмасликлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Вирус организмнинг иммун тизимини издан чиқаргандан кейин, муайян бир касалликлар, масалан, пневмония, сил, ҳар хил кандидозлар ва бошқа инфекциялар ҳужужини организм энгилмай қолганида ҳамда бемор шифохонага ўша касаллиги бўйича мурожаат қилганида ОИВ инфекциясига чалинганлиги аён бўлади.

— Соҳанинг етук мутахассислари ОАВда ёзишча, ОИВ инфекциясига чалинган одамнинг умрини соғлом одамнинг умричалик чўзиш мумкин, деган фикрлар айтилмоқда.

— Бунинг учун бемор доимий равишда шифокор назоратида бўлиши ва махсус антиретровирус дориларини қабул қилиб туриши зарур.

Дунё бўйича 2 фоиз инсонларда ОИВ зарарлиши мумкин бўлган иммун ҳужайраларининг шакли ўзгарган бўлади ва бу наслий белги ҳисобланади. Шундай бахтли инсонлар ОИВ билан касалланмаслигини соҳа мутахассислари исботлашган. Шакли ўзгарган ҳужайрага вирус бирикма олмайдди ва шунинг ҳисобига бу тоифадаги одамга вирус юкмайдди. Шунингдек, 25 фоиз инсонда ушбу белгига ўхшаш қисман ўзгаришга учраган ҳужайралар мавжуд.

Кейинги йилларда, чет давлатларда узоқ вақт бўлиб, Ўзбекистонга қайтган айрим фуқароларимиз орасида ОИВ инфекцияси билан касалланган ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Агар 2009 йилда 166 нафар ҳориждан қайтган шахсда ОИВ инфекцияси аниқланган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 205 нафарни, 2011 йилда 241 нафарни ва ўтган 2012 йилда эса 272 нафарни ташкил этди. Таҳлилларга кўра, ОИВ инфекцияси аниқланган шахсларнинг 94,1 фоизига касаллик жинсий йўл билан юккан.

— Сўхбатимиздан кўриниб турибдики, бу касаллик аллақачон глобал муаммага айланган. Бунга қарши нафақат соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, балки кен жамоатчилик ҳам курашмоғи керак. Тўғрими?

— Албатта. Ушбу вазиятнинг инобатга олган ҳолда Республика комиссиясининг қарори асосида ишчи гуруҳи ташкил этилиб, Соғлиқни сақлаш, Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, МХХ, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Камолот” ЕИҲ, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар томонидан “Чет давлатларда узоқ вақт бўлиб, Ўзбекистонга қайтган республикалик фуқароларини ОИВ инфекциясига текшириш билан қамраб олиш ишларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси”да кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш ишларини олиб бормоқда.

Тан олиб айтиш керакки, бугун дунё бўйича юқорида белгилганимиздек, салкам 34 миллиондан ортиқ бемор ОИВ/ОИТС азобида тортишмоқда. Бедаво даражасидаги беморларнинг ёшга кириши, лекин дунё тиббиёти ушбу касалликни даволаш чорасини излашда давом этмоқда. Бу борада ўзбекистонлик соҳа олимлари ҳам тадқиқотлар олиб бормоқда.

Кейинги икки йилда 10 миллион сўмдан ортиқ маблаг сарфланиб, Навоий, Фарғона, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида марказлар учун янги бино қуриб битказилди, қолган барча вилоятлар марказларида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Давлат бюджетидан ҳисобланадиган 2010-2011 йилларда республика ва 14 та ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказлари ҳамда 59 та туманлараро ОИТС диагностика лабораторияси 7,5 миллиард сўм қийматга эга замонавий халқаро андазаларга мос лаборатория асбоб-анжомлари билан жиҳозланди. Бу лабораториялар учун давлат бюджетидан тегишли тест системалар ва реактивлар сотиб олиш учун 2011 йилда 650 миллион, 2012 йилда 656 миллион, 2013 йилда эса 800 миллион сўм маблаг ажратилган.

Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини инсон организмга тушгандан сўнг баъзан ўн йиллар давомида ҳам клиник белгилари намойён бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бу касалликни юктирганлар аксарият ҳолларда касал-

Сўхбатдош:
“Инсон ва қонун”
мухбири Зайниддин
МАМАДАЛИЕВ

“Ишонч телефони”
— ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ Адлия бoshқармасида
“Ишонч телефони” орқали қилинган мурожаатларни тезкорлик билан ҳал этиш борада етарли тажриба тўпланган.

2013 йилнинг 9 ойи давомида “Ишонч телефони”га қилинган мурожаатларнинг 47 таси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан ўрганиб чиқилди. Шундан 28 таси қаноатлантирилиб, 14 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Жумладан, Навоий шаҳрида фаолият юритаётган “Навоий саноат” хусусий корхонаси Адлия бoshқармасига мурожаат қилиб, Навоий шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан инспекциянинг жорий йил 16 январдаги солиққа оид қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги қарори 5-банди ижросини тўхтатиш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 2013 йил 11 февралдаги аҳрими ижроси таъминланмаётгани маълум қилган.

Мурожаат ўрганиб чиқилди ва Навоий шаҳар давлат солиқ инспекциясига фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 11 февралдаги аҳрими ижросини таъминлаш бўйича тақдирнома киритилди.

Натижада, Навоий шаҳар ДСининг ижро интизомига эътиборсизлик қилган ходимига нисбатан 30 фоиз жараима интизомий жазо чораси қўлланилди ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг аҳрими ижроси таъминланди.

Баҳодир ТОШЕВ,
Навоий вилояти Адлия бoshқармаси
масъул ходими

Адлия оролашгач...

Коллеж ҳисобхонасида
“унутилган пуллар”

Ўз эгасига қайтарилди

РЕСПУБЛИКА Суд департаменти томонидан фуқароларнинг ариза ёки шикоят билан мурожаат қилишлари сабаб бўлаётган омишлар, яъни ижро ҳаракатларида учраётган камчиликларни бартараф этишга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ўтган даврида Суд департаментининг марказий аппарати томонидан жами 600 нафар фуқароларнинг мурожаатлари бўйича уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг қарорига асосан қардор Б.Абдурахмоновдан ундирувчи С.Ҳўжаев фойдасига икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати Суд ижросиларининг Денов тумани бўлими томонидан таъминланди.

С.Ҳўжаевнинг Суд департаментига қилган мурожаатини ўрганиш жараёнида қардор ишлаётган Сурхондарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бoshқармасига қарашли Денов педагогика коллежи ҳисобхонаси текширилиб, 2012 йил декабры ойдан 2013 йилнинг август ойига қадар қардорнинг ойлик иш ҳақи ҳисобидан ушланиб қолган жами 520 248 сўм алимент пуллари ундирувчига юборилмагани аниқланди. Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида ушбу сумма ундирувчига ет-

казилди. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилганлиги сабабли, коллежнинг мансабдор шахсларига нисбатан мажбурий жазо қўлланилди.

Шунингдек, ағлашилмоғчилик натижасида, Суд департаментига келиб тушган 29 та мурожаат муҳимлиги ҳисобига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган ҳолда тааллуқлилиги бўйича бошқа идора ва ташкилотларга юборилди.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, одил судлов томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси ўз вақтида таъминланмас экан, уларнинг оддий қозғошдан ҳеч қандай фарқи йўқ эканлигини деҳмо ёдда тутмоғимиз лозим.

Азизбек ҲАМИДОВ,
Республика Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти масъул ходими

Реклама

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
“Асака” банк (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни байрами билан табриқлайди ва қуйидаги миллий валютадаги маддатли янги омонат туруни тақлиф этади:

“КОНСТИТУЦИЯ — 2013”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади. Ушбу омонат туруни банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.



Мурожаат учун
“Асака” банк
(ОАЖ)
филиаллари
телефонлари:
120-39-81,
120-39-60,
120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	221-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларнинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди томонидан қафолатланади.

“Асака” банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини қафолатлайди!

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ қафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Жар ёқалаб кетаётган
одамлар

Республика
ОИТСга қарши
кураш маркази
директори,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор
Нурмат
АТАБЕКОВ
билан сўхбат.

касалликнинг кенг кўламда тарқалиб кетишининг олдини олишда пойдевор бўлиб хизмат қилди. Бироқ тиббий илм-фаннинг ривожланиши, замонавий даволаш технологияларининг янада такомиллашуви халқаро миқёсда ОИВ касаллиги тарқалишига қарши кураш масаласига ёндашувлар кескин ўзгаришига олиб келди. Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қонунни такомиллаштиришнинг дастуриламал йўналишларини белгиллаб берди.

2009 йил 5 январда мазкур Қарорни бажариш мақсадида Ҳукумат қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саёй-ҳаракатлар миллий режаси, Республика ОИТСга қарши кураш маркази таркибий тузилмаси ва минтақавий марказларнинг намунавий тузилмаси, ОИТСга қарши кураш марказлари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Мазкур ислохотлардан келиб чиқиб, 2013 йил 22 августда Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маълумланган янги тахрирдаги “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун бир қатор жиҳатлари билан аввалгисидан фарқ қилади. Қонун ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш масалаларини ўз ичига олади. 1999 йилдаги қонуннинг ноамалииши эса ОИВ касаллигининг олдини олиш тўғрисида бўлиб, унинг мазмунини ҳам асосан касаллик профилактикасига қаратилган эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, “ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш” масаласи “ОИВ касаллигининг олдини олиш”га нисбатан бир мунча кенг тушуна бўлиб, у касалликнинг олдини олиш, диагностика ва даволаш каби масалаларни ҳам қамраб олади.

Қонунда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ташкил қилиш бўйича ягона тизимга кирувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари аниқ белгиллаб қўйилди. Бунда, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки қонуний асосларда мустаҳкамлангани

лиқаси ҳудудидида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларда ОИВ касаллиги аниқланган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши мумкин”, 12-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасига келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, улар ўзларида ОИВ касаллиги/ОИТС йўқлигини тасдиқловчи сертификатни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этганлари тақдирда, Ўзбекистон Республикасига кириш учун виза берадилар”, деган мазмундаги қондалар янги Қонунда ўз аксини топмади.

Бундан ташқари, баъзи атамаларнинг бир хиллиги таъминланди.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда жаҳон бўйича 34 миллиондан ортиқ киши ОИВ инфекциясига чалинган бўлса, ҳар йили уларнинг сифига яна 2 миллион 700 минг нафар киши қўшилмоқда ва 2 миллионга яқин одам бу касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда. Бу касаллик билан оғриган беморларни ва ушбу касалликни келтириб чиқариши мумкин бўлган иллатларга ошно бўлганларни жар ёқалаб кетаётган одамга ўхшатиш мумкин.

— Дунёнинг кўпгина давлатларида ОИВ инфекциясини бошқа шахсларга юктирилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Айрим давлатларда бунинг учун оғир жазо таъинланади. Мамлакатимиз қонунчилигида бу борада қандай жазо чоралари қўлланилади?

— Мамлакатимиз Жиноят кодексининг 113-моддасига кўра, била туриб бошқа шахсни ОИВ касаллигини юктириш ҳавфи остида қолдирган ёки юктирган шахс беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ҳуқуқий муносабатларда аниқ кўрсатиб қўйилган ва бундай

Самарқанд вилояти Адлия бoshқармасининг 2013 йил 16 ноябрдаги 224-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “Боншасол” адвокатлар хайъати адвокати Мўминжон Қудрат Раҳматовича вилоят Адлия бoshқармаси томонидан 2011 йил 22 августда берилган СА №000374 рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш 6 ой муддатга тўхтатилади.

Самарқанд вилояти Адлия бoshқармасининг 2013 йил 12 ноябрдаги 224-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “Боншасол” адвокатлар хайъати адвокати Раҳматов Пармонга вилоят Адлия бoshқармаси томонидан 2009 йил 12 июнида берилган СА №000214 рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш ва адвокатлик мақоми тўғрисида.

Сурхондарё вилояти Адлия бoshқармаси томонидан Термиз шаҳридаги “Истиқлол” адвокатлик бюроси адвокати Алимов Жўранинг адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш ва адвокатлик мақоми тўғрисида 2013 йил 19 ноябрдаги 121-ум-сонли буйруғи билан икки ой муддатга тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг масъул ходими Мелиев Худёёр Хўрамоновичга аксини Келдиёр МЕЛИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси Фозилжон Фариковга турмуш ўртоғи Надия ФАРИКОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси Олий ҳўжалик суди расмининг ўринбосари Холбаев Собир Боратовичга аксини Баҳодир ХОЛБАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 1 январда
Ўзбекистон
Непбур ва асбоб
электрон
0081-расмий буюм
рўйхати олинган

Бош
муҳаррир:
Кўчкор
НОРҚОБИЛ

Ражабова Манжула
Абдуллаева
Кўчкор Тўраев
Турсунова Тўқан Мирзаевна

Очилов Асияжон Муҳаммадиев
Султонов Аюмкул
Тошбекович
Маматалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи:
дизайнер:
Тўқул
РАУПОВ

Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририятини компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уюнда чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма №8643. Тиражи — 16689.
УзА якуни — 21,20
Топширилди — 21,20

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сойилтоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
Баҳоси келтирилган нархда
1 2 3 4 5